



## ЖОМЕЪ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Хуррамова З. С.,  
СамДЧТИ ўқитувчиси

*Калит сўзлар:* шўро даври адабиёти, мумтоз анъаналар, зуллисонийлик, мусоввада, газал, бадиий маҳфат, тажнис, таърих-марсия.

Самарқанд адабий муҳотида яшаб ижод этган шоирлар қаторида қутлуғ номи то ҳануз кўпчиликка номаълумлигича қолиб келаётган истеъдод эгалари кам эмас. Булардан бири Абдулқодир ибни Абдулазиз (Кейинги манбаларда Абдуқодир Азизов шаклида учрайди)дир. Бу шоир ҳақида мустақилликдан олдин ёзилган баъзи асарларда йўл-йўлакай бир-икки жумла билан чекланиб ўтилган бўлиб, батафсил маълумотлар учрамайди [Ҳалимов С.1978. 36.]. Давлатимиз мустақиллигидан кейин бир гуруҳ самарқандлик ижодкорлар хусусида маълумотлар келтирилган “Тулистони адаб” мажмуасида Абдуқодир Азизов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан танишамиз [Аслиддин Қамарзода. 2007: 123-127]. Ёш олим С. Хўжакулов ҳам бир ўринда Нақибхон Тўғрал билан боғлиқ байтларини келтириб ўтади [Хўжакулов С. 2015: 339-340]. Шунингдек, матбуотда босилган бир-икки шеърларини ҳисобга олмаганда адабий мероси ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд эмас [Ҳақиқати Ўзбекистон 1964. 21-август].

Асосан “Жомеъ”(жамловчи, тўпловчи, ўз ичига қамраб олувчи), баъзан “Азизий” тахаллуси билан шеърлар ёзган Абдуқодир Азизов 1890 йилнинг январиди Самарқанд шаҳрида қосиб Ҳожи Абдулазиз хонадониди таваллуд топади [Унинг туғилган йили шахсий архивида сақланаётган манбаларда икки хил -1890, баъзиларида 1892 йил деб кўрсатилган. Биз муаллиф ўз қўли билан 1966 йилда ёзиб қолдирган хотираларига асосан 1890 йил деб олишни лозим топдик]. 1899-йилда отаси вафот этади. 15 ёшидан Мулло Абдулқарим саҳхоф (китоб муқоваловчи)га, яъни поччасига шогирд тушади [Шоир 1950-йилда ёзган таржимаи

ҳолида уста Юсуфжон қўлида саҳхоф – шогирд бўлиб иш бошлаганини ёзган. Бу факт А. Қамарзода томонидан берилган шоир ҳақидаги маълумотларда ҳам шундай келтирилган. Лекин 1966-йилдаги хотираларида муаллифнинг ўзи Мулло Абдулқарим, яъни поччаси қўлида саҳхофликни ўргана бошлаганини ёзган. Агарда 1950-йилда ёзилган таржимаи холи иккинчи марта қамалаётган вақтида ва давлат ташкилотларига маълумот сифатида тақдим этилаётганини ҳисобга олсак, демак у яқинлари ҳаётини хавф остига қўймаслик учун ўша вақтда ҳаёт бўлмаган бирор устанинг номини кўрсатган деб тахмин қилиш мумкин. Замон бироз тинчиган, қолаверса, оқланиб чиққанидан кейинги- 1966-йил маълумотлари ишонарли бўлиши табиий]. Шу касби сабаб мадраса талабалари, ўз даврининг кўплаб олиму зиёлилари, фозил кишилари, жумладан, Тамҳид, Қурбий, Нақибхон Тўғрал [Валихўжаев Б. 1993:152 - 147] каби ижодкорлари билан танишади. Бир ўринда ўша вақтларда Нақибхон Тўғралнинг Тиллакори масжидида яшагани, саҳхофлик дўкони Панжакент кўчасининг бошида жойлашгани учун шоир Тўғрални тез-тез кўриб туришини, лекин 15-16 ёшлардаги тортинчоқ ўспирин бўлгани туфайли у киши билан суҳбатлашишга журъат этолмагани ҳақида ёзади. Ниҳоят, 1915-1916 йилларда Қори Масеҳо Тамҳид ёрдамида у киши билан яқиндан танишади. Кейинчалик унинг бир нечта ғазалларига ёзган мухаммаслари шоир Тўғралга бўлган ҳурмат ва ихлоси умр бўйи сақланиб қолганини кўрсатади. У ижод оламига кириб келаётган вақт талотўп замонларнинг бошланишига тўри келган эди. Кўп ўтмай мамлакатда юз берган сиёсий воқеалар унинг ҳам ҳаётини



ўзгартириб юборади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз билимларини оширишга ва атрофида бўлаётган ўзгаришларнинг фаол қатнашчиси бўлишга интилади. Дастлаб 1918йил муаллимлар тайёрлаш курсини битириб, 1922 йилгача Бехбудий номидаги кутубхонада мудир бўлиб ишлайди. 1922 йилдан 1937йилгача Самарқанд шаҳридаги турли мактабларда ўқитувчилик қилади, шу орада Самарқанддаги педагогика институтида 3–курсгача таҳсил олади. Қамокқа олингани боис институтни тугата олмайди. А. Азизов ҳам кўплаб зиёлилар қатори мустабид тузум сиёсати сабаб турли худудларда қамок ва асирлик азобларини чекишга мажбур бўлди. 1937 йил турли тухматлар билан қамокқа олинган ижодкорга 1938 йилда аввал 25 йил муддат белгиланади, сўнгра бу муддат 8 йилга камайтирилади. Қамок муддатини турли жойларда, хусусан, Свердловск вилояти меҳнат армиясида, 1943-1945 йилларда Шимолий Урал конида юк ташувчи бўлиб оғир ишларда ўтказди. Қамокдан 1945 йилда чиқиб, Самарқандга қайтади ва 1950 йилгача шаҳардаги артелда қоровул бўлиб ишлайди. 1950-йилда иккинчи марта қамокқа олинади. Дастлаб Тошкентдаги қамокхоналарда сақланади. А. Азизов асирликда бўлган шу даврда рафиқаси дунёдан ўтади, фарзандлари ота-она меҳрига зор бўлиб қолишади. У 1955 йил озодликка чиқади, лекин расмий оқланмагани сабаб ишга жойлаша олмайди. 1955 йилдан бошлаб Тожикистон ФА луғатшунослик бўлимида штатсиз адабий ходим бўлиб ишлай бошлайди, луғат учун картотейкалар тузиш, шарҳлар ёзиш каби ишларга жалб этилади [Бу 2 жилдли луғат устидаги ишлар 1953 йилнинг охирида бошланган бўлиб, 1969 йил Москвада чоп этилган. Фарҳанги забони тожики. –Москва: "Советская энциклопедия". 1969.].

Унинг ўша вақтдаги юқори давлат ташкилотларига ёзган бир қатор аризаларидан кейин, ниҳоят 1962 йилда расман оқлангани ҳақидаги суд қарори қўлига тегади. А. Азизов 1986 йил табаррук 96 ёшида вафот этади.

Самарқанд муҳитига хос зуллисонайнлик ва мумтоз шеърятга бўлган азалий руҳий эҳтиёж сингари ижодий анъаналар муҳитида вояга етган Абдуқодир ўзидаги ижод аҳлига, шеър дунёсига бўлган чанқоклик ва иқтидор туфайли етук шоир бўлиб етишади. Унинг шеърлари орасида 20-йилларда ёзилганлари ҳам сақлаб қўйилганига қараганда, шеър ёзишни анча барвақт бошлаган дейиш мумкин. Гарчи мумтоз адабиётнинг йирик билимдони, маҳоратли шоир сифатида ёш тадқиқотчилардан тортиб, таниқли олим-у фозилларигача у кишининг уйига тез-тез бориб, суҳбатларидан баҳраманд бўлишган бўлса-да, бугунгача Жомеъ ҳаёт- фаолияти, лирик мероси хусусида батафсил маълумотлар учрамайди.

Шоир адабий мероси билан танишар эканмиз, кўхна Самарқанд замини яна бир маҳоратли шоир қалбини ўзида асраб келаётганига гувоҳ бўламиз [Шоирнинг адабий меросини асраб келган ва оталари ҳақидаги маълумотлари билан ёрдам кўрсатиб келаётган ўғиллари Нодир ака Азизовга миннатдорчилик билдирамиз]. Зеро, икки тилда юксак маҳорат билан битилган мумтоз жанрдаги кўплаб ғазал, қасида, рубоий, мухаммас, қитъа, марсия-таърих каби шеърлари Абдуқодир Азизовнинг ёрқин истеъдод соҳиби бўлганидан далолат беради. Шоир шеърлари мавзу ранг-баранглиги, мохирона сўз ўйинлари, ширали тили билан диққатни тортади. Унинг мустақил мухаммаслари билан бир қаторда устозлар (Носир Хисрав, Низомий, Камол Хўжандий, Навоий, Фузулий, Машраб, Ҳазиний, Тожуддавла, Қассоб) ва ўз даври шоирлари, (Нақибхон Тўғрал, Сипандий) ғазалларига ёзган мухаммаслари Жомеъ ижодининг ёрқин намуналаридир.

Шоир лирик меросининг катта қисмини ғазал ва мухаммаслар ташкил этади. Ғазалларининг асосий қисми ишқий мавзуда бўлиб, бунда маҳбуба таъриф-тасвифи, ҳаётсеварлик, дунё гўзалликларидан завқланиш билан бирга мусиқийлик ва оҳангдорлик уйғунлашиб кишини ром этади. Асрлар мобайнида



мавжуд бўлиб, ўз такомил даражасига етган шарқ мумтоз адабиётидаги тасвир ва ҳолатларни ўзгача етказиб бериш осон эмас, албатта. Бу ҳол ҳар бир ижодкордан шу соҳада чуқур билим ва юксак маҳорат талаб этади. Жумладан, туркий ва форс-тожик мумтоз адабиётида маъшуканинг баркамол қиёфасини тасвирлашга қаратилган сон-саноксиз қиёс, ташбеҳ ва бадийий приёмлар ўзининг юксак даражасига кўтарилган. Жомеъ ҳам ана шу анъаналар йўлидан борган шоир сифатида бу борада ўз маҳоратини намоён эта олган. Шоирнинг кўплаб ғазаллари ишқий мавзудалиги боис маъшуқа таъриф-тавсифи ва у билан боғлиқ ҳолат-тимсоллар марказий объектга айланган. Буни туркий шеърятнинг улўф намоёндаси Алишер Навоий ғазалида юксак поэтик тасвирини топган “мардум” сўзи ва синонимларини қўллашида унинг Навоий бадийий оламига муносабати сифатида намоён бўлганлигида ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг ҳар икки тилдаги тасвирларида Навоий бадийий тафаккури ва маҳоратига эргашиш кўзга ташланади. Тажниси тақрир асосидаги куйидаги байтда шу ҳолни кузатиш мумкин. Омоним сўз (мардум) ҳар икки ўринда ҳам Навоий назарда тутган мазмун ва тартибга яқин келади:

Эй гўзалим, ёрим, айла мардумлиғ,

(Қаро кўзим келу, мардумлиғ эмди фан қилғил)

Кўзларим мардумиға жо(й) қилғил.

(Кўзим қаросиға мардум киби ватан қилғил)

Бу сўзнинг бир қатор маънолари бўлишига қарамай, аксарият ҳолларда кўз қорачиғи ва шу билан боғлиқ маънолар чизиғида тасвирланишига сабаб, айтиш мумкинки, Навоий шоҳбайтидан кейинги таъсир ва шу асосдаги талқинлардир. Жомеънинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги ғазалларида ҳам мардум сўзи маъшуқа ва у билан боғлиқ янгича тасвирлар юзага келишига сабаб бўлганлиги кўзга ташланади:

Ту ҳамчу тўтиё дар дидаи ман эй гулираёно,

Биё биншин, ба чашмам, мардуми чашмам бувад ч оят.

(Кўзимга тўтиёдайсан, эй гулираёно, Келиб ўлтир кўзимга, кўз мардумим бўлсин сенинг жойинг)

Кўзимга тўтиё ва гулираёно сифатлашлари билан бошланган мисра яна мардум сўзининг юқорида назарда тутилган маъносига боғланади. Қадимда кўз оғриганда ва кўзни равшан қилиш учун ишлатилган мис зангидан ҳосил бўлган кристалл-тўтиё ана шу хусусиятлари билан мумтоз адабиётда образ-тимсол сифатида ўз ўрнига эга бўлиб, бу деталь ҳар доим гўзал ва таъсирчан ташбиҳлар яратилишига сабаб бўлган. Бу ташбиҳлардаги асосий нуқта ёр босган изларнинг ошиқ кўзларига шифолиги, интизорлик, эъзоз ва ёруғлик каби маънолар жамлигидир. Баъзида бу деталь-образ Яъқуб ва Юсуф тимсоллари билан келиб Юсуфнинг кўйлагига рамз қилинган ўринлар ҳам учрайди. Навбатдаги ўринда шоир томонидан мардум сўзи замирида тўтиё сўзининг шифо берувчи маъноси назарда тутилади: ёр қорачиғи нуридан кўриш қобилиятини йўқотган ошиқ қорачиғи шифо топади, яна кўра бошлайди. Бунда мардум ва тўтиё сўзларининг ўзаро ички боғлиқликда қўлланганини сезиш мумкин:

Ёруттардим юлдузимни нуридин кўз мардумин,

Айлар эрдим чашми нобиноми бино кошки.

Яна бир кичик деталь-асо образининг ўз маъносини сақлаган ҳолда ёр киприклари билан ташбиҳ қилиниши гўзал манзара яратган:

Бул букук қаддимға бўлғон эрди мужғони асо,

Қоши меҳробин қилур эрдим мусалло кошки.

Ҳар икки тилдаги ғазал, мухаммас, рубоий ва марсия-таърихларида унинг шоирликмаҳорати бир хилда намоён бўлади. Жомеъ зуллисонайнлик асосида шаклланган мумтоз адабиёт анъаналарини ўзининг икки тилдаги шеърлари билан муваффақиятли давом эттирган деб эътироф этишга ҳақли шоирлардан



биридир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, икки тилли ягона адабиёт анъаналари замирида шаклланган улкан билим ва маҳорат мактаби бир қатор ижодкорлар сингари Жомеъ шоирлик даражасини белгилашда муҳим омиллардан саналади. Унинг кичик деталь-образлардан фойдаланиши форс-тожик тилидаги шеърларида янада маромига етиб тасвирланади. Сарв (кипарис) тимсоли мумтоз адабиётимизда ҳар доим тик, гўзал қомат рамзини ифодалаб, ёр бўй-бастига қиёс қилинган. Жомеъ ташбиҳида ёр қадди -қомати биринчи даражага кўтарилиб, шоирлар томонидан мадҳ этилган сарв эса ёрнинг келишган қоматига ҳавасманд тарзида кейинги ўринда тасвирланади:

Сарв бо якпо ситода солхо, ки аз баҳри он,

Шояд ўро рўзе зулфи сиёҳат шона кард.

(Сарв қора сочларингни тараш учун йиллар давомида бир оёқда туради.)

Туркий шеърятдаги туюқ жанрининг форс-тожик тилида қўлланилиши муваффақиятли чиққанлигини таъкидлаш лозим:

Агар ту мардихуб **чорасози**,

Ба кори дустон кун **чорасози**,

Агарчи кори мо бечораги ҳаст,

Набошад кор хо бечора, **сози**.

(Агарда сен яхши одам бўлсанг ҳамма нарсанинг иложини топ, дўстлар ишига ёрдам бер, бизнинг ишимиз чорасизлик бўлса, иложи йўқ иш бўлмайди, бир чорасини топ.)

Шоирнинг “Соқийё, тун-кун йўлингда кўзларим чор-чор” деб бошланувчи ғазали унинг бадий санъатлардан усталик билан фойдаланиш маҳоратини ўзида мужассам этган. Тузилишига кўра пароканда бу ғазалнинг ҳар байт ва мисраси қайтариш - радд- ул-ажуз ил-ас-садр ёки рад-ул-ажуз мин-ас-садр, тақрир ҳамда тажнис санъатининг ажойиб намунаси асосида тартиб берилган. Гарчи ғазал матлаъси соқийга мурожаат билан бошланса-да, шоир кейинги байтларни ижтимоий масалалар тасвирига қаратади. Таносуб ёрдамида ҳосил қилинган бадийлик қайтариш ва тажнис орқали янада

равонлик касб этади. Натижада тақрир, тажнис ва таносуб санъатлари уйғунлигида поэтик гўзал байт юзага келади:

**Соқийё**, тун-кун йўлингда кўзларим **чор-чор**,

**Маҳфили аҳбоба сунғил**, **соғари саршор шор**.

Соқий (май сузувчи) сўзи мумтоз адабиётимиздапир, маҳбуба ва илохий файз рамзига айланган бўлиб, асосан орифона ва ишқий мавзудаги ғазалларда қўлланади. Пароканда ғазалда келтирилиши биланбу сўз асл ва рамзий маъносини бироз кенгайтирганини, ижтимоийлик касб этганини сезиш мумкин.

Тарсиё, тақрир санъатлари шоирга ижтимоий-сиёсий фикрлари, хусусан, мустабидлик ва руслаштиришга муносабатини ифодалашга имкон яратади:

**Тор-мор** бўлсун элимни истаганлар, **тор-мор**,

**Хору зор** бўлсун гулимни истаганлар, **хор-зор**.

Кейинги байт қайтариш санъатининг радд-ус садр- илал- ажуз (мисра бошидаги сўзнинг кейинги мисра охирида такрорланиши) тури ва тажниси мукаррар асосида яратилган бўлиб, давр сиёсатининг асл моҳияти аниқ очиб берилган:

**Дори** дунё неъматидин **бизлари** маҳрум этиб,

**Бизни** ўлдурмоқ учун қурдурди **улғаддор дор**.

Ғазалнинг навбатдаги байтида мавзу кескин ўзгариб, сўз ишқ ўтига келиб боғланади:

Ишқи ўти бирла бағрин андоғ ёндириб,

Ул ҳароратдин бўлиб кўксига **зуннор<sup>17</sup> нор**.

[Зуннор -қадимда мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир]. Шоир бу ўринда “зуннор” сўзининг иккинчи маъноси, яъни христиан дини вакиллари томонидан



бўйинга осиб юриладиган хочни назарда тутиб, гўзал ташбеҳ яратган: ишқ ўтидан бағри куйган ошиқ бўйнидаги темир хоч нор-оловга айланган. Айтиш мумкинки, мумтоз адабиётимизда кўп ҳолларда биринчи маъноси назарда тутилган ҳолда турли рамзларга эга бўлган зуннор сўзи шоир назарда тутган хоч маъносида ўзига хос рамзийлик ва мантиқий юк ташиган.

Куйида қайтаришнинг радд-ул-хашв-илал-ибтидо шакли ва тажниси мукаррар, тақрир ва таносуб санъатлари шоирмахоратини кўрсатиши билан бирга юқоридаги ижтимоий-сиёсий мулоҳазаларига яқун ясайди. Амир оми бўлса, мамлакат омонат (бу ўринда “орият” сўзининг “омонат” маъноси назарда тутилган) бўлиб қолади, меъмор алдамчи бўлса, у тарҳини чизган иморат обод бўлмайди.

**Оми** бўлса **омири** бўлғай **иморат** орият,

Бўлмагай маъмур **иморат**, бўлса гар **меъмор мор**.

Жомеъ ғазаллари сингари мухаммас, марсия-таърих ва рубоий, тўртликлари ҳам алоҳида қимматга эга. Айниқса, устоз ижодкорлар, дўсту биродарлар, шоирнинг яқинлари вафоти муносабати билан ёзилган (Алишер Навоий, Абдурахмон

Жомий, Қассоб, Рожеъ, Нақибхон Тўғрал, Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Юсупов, Набирахўжа Валихўжаев, Ҳабиб Юсуфий ва ҳ.з таниқли сиймоларга бағишланган) ўзбек ва форс-тожик тилларидаги марсия-таърихлари шоир маҳорати билан бирга унинг шахс сифатида ижод, илм аҳлига муносабатини белгилашда муҳимдир. Атоқли шоир Ғафур Ғулом вафоти муносабати билан ёзилган таърих-марсиясидан бир неча байт келтирамиз:

Агар ояд ач ал халосе нест,  
Хоҳ зори куниву хоҳи зур.  
Омаду аз миёни моҳон бурд,  
Шоири хушбаёни Абдулғафур...  
Торихи фавташ аз хирад ч устам  
Гуфт бар ман, бигу, ки: ”Рафт  
Ғафур”.

(Охирги сўзлардан 1966 йил чиқади)

Шоирнинг таъриф-тавсифга, мусиқийлик ва оҳангдорликка бой, ўзига хос лиризмга йўғрилган икки тилдаги назм намуналари нашрга тайёрланмоқда. Ўйлаймизки, 20-80-йиллар мобайнида мумтоз йўналишда ижод қилиш билан бирга зуллисонайнлик анъанасини ҳам муваффақият билан давом эттирган шоир ижоди ўз баҳосига эга бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Жомеъ-Абдулқодир ибни Абдулазиз лирик мероси кўлёзма нусхаси (мусаввада).
2. Ҳалимов С. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX сар бошларида ўзбек ва тожик алоқалари. –Самарқанд: СамДУ нашриёти. 1978.
3. Ҳақиқати Ўзбекистон. 1964-йил. 21-август.
4. Қамарзода Аслиддин. Гулистони адаб. –Тошкент: Фан. 2007.
5. Хўжақулов С. Адабиёти давраи бедории миллӣ . –Тошкент: “Ўз. милл. Энси.” 2015.
6. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. Ҳужжатли эссе.- Самарқанд: Зарафшон нашриёти. 1993.
7. Фарҳанги забони тожикӣ . – 1-2 томлар. Москва:”Советская энциклопедия”. 1969.

*Хуррамова З. Взгляд на жизнь и творчество Жомеъ. В данной статье приведены подробные сведения о поэте Жомеъ, который жил в 80-е годы XX века и писал в классическом направлении, чья жизнь и творчество были практически не изучены. В статье также приведены мнения о художественных чертах лирического наследия, газелей, пятистиший (мухаммас) на узбекском и персидско-таджикском языках, которые до сегодняшнего дня сохранились в виде рукописей.*

*Xurramova Z. Glance at life and creative work of Jome'. The article analyses detailed information about the poet Jome', who lived in the 80's of the XX<sup>th</sup> century and wrote in classical direction, but his life and creative works have not been researched so far. The article also gives ideas about literary features of his lyric heritage, gazelles, five-line stanza (mukhammas) in Uzbek and Persian-Tajik languages, which are preserved in the form of manuscripts up to date.*